

Қ А Р О Р

2020 йил 27 июль куни Термиз шаҳар маъмурий суди, А.Абдулакимовнинг раислигида, судья ёрдамчиси С.Турдиевнинг котиблигида, суд биносида, очиқ суд мажлиси ўтказиб, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 40-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганлик юзасидан

Рузиева Гулшан Равшан қизи, 1994 йил 4 январь куни Термиз шаҳрида туғилган, миллати тожик, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек тилини яхши билади, таржимон хизматида муҳтож эмас, маълумоти ўрта-маҳсус, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаган, турмушга чиқмаган, Термиз шаҳар Санитария-эпидемиологик осойишталик маркази дезинфекция бўлимида ишчи, Термиз шаҳар, Аму соҳили МФЙ, Т.Сайдалиев кўчаси 50-уйда яшовчига нисбатан 3-1901-2001/1462-сонли маъмурий ишни кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Г.Рузиева 2020 йил 24 июль куни соат 08:20 ларда ўзининг уяли телефони орқали блогер Д.Останақуловага Сурхондарё вилоят ҳокими Т.Боболовнинг вафот этгани ҳақида айтиб, тухмат, яъни бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирма тарқатган.

Мазкур ҳолат бўйича Г.Рузиевага нисбатан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 40-моддаси билан маъмурий баённома расмийлаштирилган.

Суд мажлисида ҳуқуқбузар Г.Рузиева айбини тан олиб, 2020 йил 22 июль куни телеграм ижтимоий тармоғи орқали “Ҳақиқатчи-блогерлар” гуруҳига кириб, ушбу гуруҳда “Зал зала Фариштаси” тахаллуси билан фолият юритувчи шахс билан ёзишганлиги, у ўзини вилоят ҳокимлиги ходими деб таништиргани учун унга муаммоларини ёзганлиги, 23 июль куни мазкур профилга кирганида у ерда 91-513-10-03 рақамли телефон рақами ва унинг пастки қисмида “эртага шу рақам орқали гаплашамиз” деган ёзувни ўқиганлиги, 24 июль куни ишга келган вақтида соат 08:20 ларда 513-10-03 рақамли телефондан кўнғироқ бўлганлиги, кўнғироққа жавоб бериб ушбу рақам эгасининг аёл киши ва ҳозирда Д.Останақулова эканлигини билганлиги, шу вақтда ҳамкасблари шовқин қилиб гаплашишганлиги, шовқин сабабини сўраган Д.Останақуловага ҳамкасблари вилоят ҳокими Тўра Боболов вафот этгани ҳақида гаплашишаётганлигини айтиб юборганлигини, қилган ишидан чин кўнғилдан пушаймонлигини, етим эканлиги, онаси ва икки нафар синглисини якка ўзи боқиб келаётганлигини билдириб, суддан енгиллик беришни сўради.

Суд иш бўйича жабрланувчи Т.Боболовнинг айнаи вақтда Тошкент шаҳрида даволанаётганлигини инобатга олиб, ишни унинг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси (бундан буён матнда МЖТК деб юритилади) 40-моддасига асосан,



Тухмат, яъни била туриб ёлғон, бошқа бир шахсни шарманда қилувчи уйдирмаларни тарқатиш - базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма бараваридан олтмиш бараваригача жарима солишга сабаб бўлади.

Суд ҳуқуқбузарнинг кўрсатувини тинглаб, гувоҳларнинг тушунтириш хатлари ва бошқа мақбул далилларга асосланиб, Г.Рузиеванинг ҳаракатларида Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 40-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарлик аломатлари мавжуд деб ҳисоблайди.

Ҳуқуқбузар Г.Рузиеванинг айби ўзининг айбига иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари гувоҳлар Д.Чайсупова, С.Ҳакимова, С.Джумҳамадова, Н.Ибрагимов ва Н.Мухаммадиеваларнинг суриштирув давомида берган тушунтириш хатлари, Узун туман маъмурий судининг Д.Останакуловага нисбатан қабул қилган қарори нусхаси, маъмурий баённома ва бошқа далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз тасдиғини топди.

Суд, ҳуқуқбузар Г.Рузиевага нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда иш ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, ҳуқуқбузарнинг тушунтиришини эшитиб, унинг айбига иқрорлиги ва қилган ишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, аёллигини, муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилмаганлигини, етимлигини, қарамоғида онаси ва 2 нафар вояга етмаган сингиллари борлигини, моддий аҳволи ҳамда содир этилган ҳуқуқбузарлик хусусиятини инobatга олиб, унга нисбатан МЖтКнинг 33-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни, жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарар масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлигини тушунтиришни лозим топди.

Суд, юқоридагиларга кўра ва Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 245, 309-311, 324¹-324³-моддаларини қўллаб,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

Рузиева Гулшан Равшан қизи Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 40-моддасида кўрсатилган ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Рузиева Гулшан Равшан қизига Ўзбекистон Республикаси МЖтКнинг 40-моддасига асосан МЖтКнинг 33-моддаси қўлланиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари, яъни 669.000 сўм миқдорида жарима жазоси тайинлансин ва жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарар масаласида фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилиш ҳуқуқи мавжудлиги тушунтирилсин.

Қарордан норози тараф қарор нусхасини олган кундан бошлаб икки ой муддат ичида ушбу суд орқали Сурхондарё вилоят маъмурий судига шикоят беришлари, прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

А.Абдулакимов

Аслига тўғри:



Ҳужжат имзоланган: Абдулакимов Анвар Болтаевич, 27.07.2020

